

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

274 Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Х. Сулаймонова номидаги Республика суд экспертизаси маркази фаолиятини янада такомиллаштириш ҳамда суд экспертларининг малакасини ошириш тизимини ташкил қилиш тўғрисида

«Суд экспертизаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қонун ҳужжатларини тарқатиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2017 йил 8 февралдаги ПҚ–2761-сон қарори ижросини таъминлаш, Х. Сулаймонова номидаги Республика суд экспертизаси маркази (кейинги ўринларда Суд экспертизаси маркази деб аталади) фаолиятини янада такомиллаштириш, шунингдек давлат суд экспертларининг (кейинги ўринларда суд экспертлари деб аталади) малакасини ва ҳуқуқий билимларини ошириш тизимини ташкил қилиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Суд экспертизаси марказининг Бухоро, Жиззах, Навоий ва Наманган ҳудудий бўлимлари ҳамда Суд экспертларининг малакасини ошириш ўқув маркази ташкил этилсин.

2. Қуйидагилар Суд экспертларининг малакасини ошириш ўқув марказининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тизимидаги суд экспертларининг малакасини ва ҳуқуқий билимларини, шунингдек бошқа суд экспертларининг ҳуқуқий билимларини ошириш бўйича ўқув жараёнини ташкил қилиш;

мунтазам равишда суд экспертларининг назарий ва ҳуқуқий билимлари ҳамда амалий кўникмаларини ошириш, ишчанлик ва касбий фазилатларини такомиллаштириш;

ўқув жараёнига ҳуқуқий фанлар, суд экспертизаси ва экспертлик амалиётига оид илғор ютуқларни ўрганишни жорий қилиш;

суд экспертлик фаолияти бўйича амалий таклифлар, тавсиялар ва қўлланмаларни ишлаб чиқиш.

3. Қуйидагилар:

Суд экспертларининг малакасини ва ҳуқуқий билимларини ошириш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;

Суд экспертларининг малакасини оширишга қўйиладиган давлат талаблари 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги:

икки ой муддатда Бухоро, Жиззах, Навоий ва Наманган вилоятлари ҳокимликлари билан биргаликда янги ташкил этилаётган Суд экспертизаси марказининг ҳудудий бўлимларини жойлаштириш ва иш фаолиятини самарали йўлга қўйиш мақсадида уларни бино, мебель, компьютерлар, бошқа зарур техника ва инвентарлар билан таъминлаш чораларини кўрсин;

Суд экспертизаси марказининг янги ташкил этилган ҳудудий бўлимларда жойлардаги эҳтиёжлар ҳамда мавжуд имкониятларни ҳисобга олган ҳолда экспертиза тадқиқотларининг қўшимча турларини жорий қилинишини ташкил қилсин;

суд экспертиза хулосаларини халқаро миқёсда тан олиниши ва қўлланилишини таъминлаш мақсадида Суд экспертизаси марказининг Одам ДНКси суд биологик экспертизаси ҳамда Материаллар, ашёлар ва буюмлар криминалистик экспертизаси лабораторияларининг халқаро илмий-техник талабларга мослигини таъминлаган ҳолда уларни халқаро аккредитациядан ўтказилишини таъминласин;

хуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва судларнинг малакали суд экспертиза хулосаларига бўлган эҳтиёжларини, шунингдек илғор хорижий тажрибани ҳисобга олган ҳолда суд экспертизанинг янги, шу жумладан суд лингвистик экспертизаси, суд автомобиль йўллари экспертизаси ва суд компьютер-техник экспертизаси каби турларини босқичма-босқич амалиётга татбиқ қилиш чораларини кўрсин;

ашёвий далилларни қайд қилиш бўйича маълумотлар базаларини шакллантириш, тадқиқотларнинг мақбул методикаларини танлаш, экспертиза тадқиқотларини ўтказиш муддатларини қисқартириш, шунингдек Суд экспертизаси марказини замонавий дастурий таъминот билан таъминлаш мақсадида инновацион лойиҳаларни амалга оширсин;

бир ой муддатда, ушбу қарордан келиб чиқиб, Суд экспертизаси маркази уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 2017 йилда ва ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларини шакллантиришда, асосланган ҳисоб-китобларга биноан, Суд экспертизаси марказига ушбу қарорнинг ижросини таъминлаш учун зарур маблағлар ажратилишини назарда тутсин.

6. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Х. Сулаймонова номидаги Республика суд экспертизаси маркази фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида» 2012 йил 14 ноябрдаги 321-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚХТ, 2012 й., 46-47-сон, 522-модда) 3-иловага мувофиқ ўзгартиришлар ва қўшимча киритилсин.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг адлия вазири М.М. Икрамов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2017 йил 13 апрель,
206-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2017 йил 13 апрелдаги 206-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Суд экспертларининг малакасини ва ҳуқуқий
билимларини ошириш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом «Суд экспертизаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 27¹-моддасига мувофиқ давлат суд экспертларининг малака ошириш курсларида муайян суд-экспертлик фаолияти бўйича малакасини ва ҳуқуқий билимларини ошириб бориш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

давлат суд эксперти (кейинги ўринларда суд эксперти деб аталади) — давлат суд экспертиза муассасасининг ўз хизмат вазифаларини бажариш тартибида суд экспертизасини ўтказувчи суд эксперти;

суд-экспертлик фаолияти — суд экспертизасини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича фаолият;

вазирликлар ва идоралар — суд экспертизаси муассасаларига эга бўлган вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар.

3. Суд экспертларининг малакасини ошириб бориш суд экспертларининг малакасини оширишга қўйиладиган давлат талабларига мос равишда амалга оширилади.

4. Суд экспертларининг малакасини ошириб бориш вазирликлар ва идоралар томонидан мустақил равишда амалга оширилади.

5. Суд экспертларининг ҳуқуқий билимларини ошириб бориш Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Х. Сулайманова номидаги Республика суд экспертизаси марказининг (кейинги ўринларда Суд экспертизаси маркази деб аталади) Суд экспертларининг малакасини ошириш ўқув марказида (кейинги ўринларда Ўқув маркази деб аталади) вазирликлар ва идораларнинг ушбу Низомга 1-иловага мувофиқ шакл бўйича тақдим қилинадиган буюртмасига асосан амалга оширилади.

6. Ўқув марказида суд экспертларининг ҳуқуқий билимларини ошириб бориш харажатлари, шунингдек Ўқув марказига асосий ишдан ажралган ҳолда бошқа ҳудудлардан юборилган суд экспертларининг ўқиш жойига келиши ва у ердан қайтиши бўйича бир марталик йўл харажатлари, хизмат сафари бўйича харажатлар вазирликлар ва идораларнинг бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан қопланади.

7. Суд экспертлари ҳар икки йилда малакасини ва ҳуқуқий билимларини ошириб бориши шарт.

8. Малакани ва ҳуқуқий билимларни ошириш ўз ихтисослиги бўйича камида икки йиллик иш стажига эга бўлган суд экспертлари учун ташкил қилинади.

9. Вазирликлар ва идоралар:

суд экспертларининг малакасини ошириш тизимида ўқиши лозим бўлган суд экспертларининг эҳтиёжини аниқлайди ва таркибини шакллантиради; ҳуқуқий билимларини ошириб бориш бўйича ўқув машғулотларини ўтказишда Ўқув марказига ташкилий-методик жиҳатдан кўмаклашади;

суд экспертларининг малакасини ошириш бўйича ўқув дастурларини ишлаб чиқади;

суд экспертларининг ҳуқуқий билимларини ошириб бориш бўйича ўқув жараёни сифатини мониторинг қилади.

10. Вазирликлар ва идоралар суд экспертларининг малакасини ва ҳуқуқий билимларини оширишнинг тўлиқлиги ва ўз вақтида амалга оширилиши учун масъулдирлар.

2-боб. Суд экспертларининг малакасини ва ҳуқуқий билимларини оширишнинг мақсади ва вазифалари

11. Ўқув жараёнини юқори илмий-услубий даражада таъминлаш, малакавий талаблар, ўқув режалари ва дастурлари асосида касбий ва ҳуқуқий билимлар ҳамда маҳоратни доимий равишда ривожлантиришга кўмаклашиш учун зарур бўлган назарий билимлар, амалий кўникмалар ва малакаларни мунтазам равишда янгилаб бориш суд экспертларининг малакасини ва ҳуқуқий билимларини оширишнинг мақсади ҳисобланади.

12. Қўйидагилар суд экспертларининг малакасини ва ҳуқуқий билимларини оширишнинг вазифалари ҳисобланади:

суд экспертларининг касбий ва ҳуқуқий билимлари, кўникмалари ва маҳоратларини узлуксиз янгилаб бориш механизмларини жорий этиш, замонавий талабларга мувофиқ суд-экспертлик фаолияти сифатини таъминлаш учун зарур даражада касбий ва ҳуқуқий тайёргарликни ошириш;

малака оширишнинг бевосита ва билвосита шакллари амалиётга жорий этиш;

суд экспертлари томонидан замонавий мультимедиа ва ахборот-коммуникация технологияларини самарали ўзлаштириш учун қўшимча шарт-шароитлар яратиш;

суд экспертларининг малакасини ва ҳуқуқий билимларини ошириш жараёнларининг фан ва ишлаб чиқариш билан интеграциясини таъминлаш, суд экспертларининг малакасини ва ҳуқуқий билимларини ошириш тизимини янада ривожлантириш ва модернизация қилиш.

3-боб. Суд экспертларининг малакасини ва ҳуқуқий билимларини ошириш шакллари

13. Суд экспертларининг малакасини ва ҳуқуқий билимларини ошириш бевосита ва билвосита шаклларда амалга оширилади.

14. Бевосита шаклда малакани ва ҳуқуқий билимларни ошириш қуйидагича ташкил қилинади:

ўқув жараёнида иштирок этиш — ўқув дастурларига мос ҳолда янги назарий ва амалий билимлар, малака ва кўникмаларни ўзлаштириш;

давлат суд экспертизаси муассасаларида малакавий амалиёт (стажировка) ўташ — суд экспертларининг амалий билимлари, кўникма ва малакаларини кенгайтириш ва чуқурлаштириш ҳамда ўқув жараёнида олган назарий билимларини амалиётда қўллаш.

Суд экспертлари малакавий амалиёт (стажировка) ўташни хорижий давлатларнинг суд экспертлари малакасини оширишга ихтисослашган муассасаларида Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари ҳамда вазирлик, идоралар ва давлат суд экспертизаси муассасалари билан хорижий давлатларнинг тегишли муассасалари ўртасида тузилган шартномалар, шунингдек хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлар томонидан суд экспертизаси муассасаларини ривожлантириш мақсадида ажратиладиган грантлар асосида амалга оширишлари мумкин.

15. Билвосита шаклда малакани ва ҳуқуқий билимларини ошириш — суд экспертларининг масофадан туриб амалга ошириладиган таълим, ўз билимини мустақил ошириши, тажриба алмашиши, давлат суд экспертизаси муассасалари ва Ўқув маркази томонидан ташкил этиладиган экспертларнинг семинар, давра суҳбати ва конференцияларда ҳамда бошқа шу каби тадбирларда иштирок этиши ва маърузалар билан чиқиши орқали амалга оширилади.

16. Масофадан туриб амалга ошириладиган таълим ахборот-коммуникация технологияларига асосланади ва асосий ишдан ажрамаган ҳолда ташкил этилади.

Масофадан туриб амалга ошириладиган таълим тегишли ўқув дастури асосида ташкил қилинади ҳамда малака оширишнинг мустақил шакли сифатида ёки малакани ва ҳуқуқий билимларни ошириш бевосита шаклининг тақрибий қисми сифатида амалга оширилиши мумкин.

17. Суд экспертлари ўзининг билим, кўникма ва малакасини мустақил тарзда ошириб боришлари шарт. Мустақил таълим суд-экспертлик фаолиятининг ажралмас таркибий қисми ҳисобланади.

4-боб. Суд экспертларининг малакасини ва ҳуқуқий билимларини ошириш бўйича ўқув жараёнини ташкил этиш тартиби

18. Ўқув жараёнини ташкил этиш Ўқув маркази ҳамда вазирликлар ва идоралар томонидан Суд экспертларининг малакасини оширишга қўйиладиган давлат талабларига жавоб берадиган ўқув дастурлари асосида амалга оширилади.

19. Ўқув жараёни гуруҳ таркибида суд экспертизаларининг бир тури бўйича ташкил этилади.

20. Суд экспертларининг малакасини ва ҳуқуқий билимларини оширишни самарали ташкил қилиш учун Ўқув маркази ҳамда вазирликлар ва идоралар:

ўқитишнинг замонавий педагогик услублари, мультимедиа ва ахборот-коммуникация технологияларини қўллаган ҳолда, суд экспертизаларининг турлари бўйича таҳлилий қобилиятларни ва ижодий фикрлашни ривожлантиришга қаратилган алоҳида ўқув режа ва дастурларини ишлаб чиқади ва тасдиқлайди;

фанларнинг суд экспертиза амалиёти билан алоқасини таъминлайди, ўқув жараёнининг амалий йўналтирилганлигини, мустақил таълимни, ўқув жараёнини суд экспертизаси фаолиятидаги вазифаларни самарали бажаришга йўналтирилганлигини кучайтиради, ўқув жараёнига суд экспертизаси соҳасидаги илғор илмий-тадқиқотлар натижалари, педагогик технологиялар, машғулотлар ўтказишнинг самарали шакл ва услубларини жорий этади;

суд экспертлари томонидан ўз мутахассислиги бўйича янги назарий билимлар ва замонавий тадқиқот усуллари, илғор амалий тажрибалар, шунингдек иш фаолиятларида ахборот-технологияларидан фойдаланиш кўникмаларини ривожлантиришни таъминлайди;

ўқув жараёнига таълимнинг интерфаол усуллари, замонавий педагогика технологияларини, шунингдек Интернет жаҳон ахборот тармоғидан фойдаланиб, ахборот-коммуникация ва масофали таълим технологияларини татиқ қилади;

мамлакатимизда ва хорижда ишлаб чиқилган суд экспертизаси фанларига тааллуқли илмий, услубий ва техник янгиликлар, илғор тажрибаларни ўрганади ҳамда ўқув жараёнига жорий қилади;

суд экспертларининг малакасини ва ҳуқуқий билимларини ошириш бўйича халқаро тажрибани ўрганади, шу соҳа бўйича тажриба алмашишни ташкил қилади;

ўқув жараёнига оид махсус фанлар бўйича адабиётларни ишлаб чиқади;

суд экспертизаси тадқиқотлари методикаларини такомиллаштириш, янги турдаги экспертизаларни жорий қилиш, ўқув жараёнини ривожлантиришга оид мавзуларда конференция, симпозиум ва семинарлар ташкил қилади ҳамда бундай анжуманларда иштирок этади;

ўқув жараёнининг лозим даражада ташкил қилиниши ва ўтказилиши учун жавобгар бўлади.

21. Ўқув жараёни муайян йўналиш бўйича циклик машғулотлар (кун давомида бошқа турдаги машғулотларга жалб этмасдан) тарзида амалга оширилади.

22. Суд экспертларининг малакасини ошириш жараёнида малакавий амалиёт (стажировка) ўтказилиши назарда тутилади.

23. Суд экспертларининг ҳуқуқий билимларини ошириб бориш вазирликлар ва идораларнинг буюртмаларига биноан Суд экспертизаси маркази томонидан тасдиқланган режа-график асосида амалга оширилади.

24. Ўқув марказига суд экспертларини қабул қилиш Суд экспертизаси маркази директорининг буйруғи билан расмийлаштирилади.

25. Малака ва ҳуқуқий билимларини оширишни ўтаётган суд экспертларига ўқишнинг бутун даври мобайнида асосий иш жойи бўйича эгаллаб турган лавозими ва ўртача ойлик иш ҳақи сақлаб қолинади.

26. Ўқув марказига жалб қилинган суд экспертлари ўқув жараёнидан қўйидаги ҳолатларда четлаштирилади:

Суд экспертизаси марказининг ички тартиб-қоидаларини бузганлик учун;
ўқув дастурларини ўзлаштирмаганлик учун;

узрли сабабларсиз 8 академик соатдан кўп ўқув машғулотларини қолдирганлик учун.

Узрли сабабларга кўра ёки ўқишнинг даврийлиги ва талабларига биноан ўқишни давом эттира олмаган суд эксперти ўз аризасига кўра ўқув жараёнидан четлаштирилиши мумкин.

Узрли сабабларга кўра ўқишни давом эттира олмаган суд экспертига келгусида ташкил этиладиган ўқув гуруҳларида ўқиш имкони берилади.

27. Ўқув марказига жалб қилинган суд экспертларини ўқув жараёнидан четлаштириш Суд экспертизаси маркази директорининг буйруғи билан расмийлаштирилади ва бу ҳақда вазирликлар ва идораларга хабар берилади.

5-боб. Суд экспертларининг малакасини ва ҳуқуқий билимларини ошириш бўйича ўқув жараёнининг муддати ва давомийлиги

28. Вазирликлар ва идоралар томонидан суд экспертларининг малакасини ошириш муддати икки ҳафтадан кам бўлмаслиги керак.

29. Ўқув марказида суд экспертларининг ҳуқуқий билимларини ошириб бориш бир ҳафтадан кам бўлмаган муддатда ташкил этилади.

30. Ўқув жараёни ҳафтасига кўпи билан 36 академик соат ҳажмида амалга оширилади.

31. Масофали таълимда ўқитиш муддати ўқув жараёни муддатига мос ҳолда академик соатлар билан аниқланади.

6-боб. Суд экспертлари билимини баҳолаш

32. Ўқув жараёнига жалб қилинган суд экспертлари билимларини баҳолаш якуний назоратлар натижасига кўра амалга оширилади.

Малакани ошириш бўйича якуний назорат вазирликлар ва идораларда (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тизимидаги суд экспертлари учун — Ўқув марказида) тест ёки ёзма имтихон шаклида ўтказилади.

Хуқуқий билимларни ошириш бўйича якуний назорат Ўқув марказида тест ёки ёзма имтихон ҳамда ўқиш даврида олинган назарий билимлар ва амалий кўникмаларни аниқлашга қаратилган суҳбат шаклида ўтказилади.

33. Якуний назоратларни ташкил этиш ва ўтказиш учун вазирликлар ва идоралар раҳбарлари ва Суд экспертизаси маркази директорининг буйруқлари билан комиссиялар ташкил этилади.

Ўқув марказида ташкил этиладиган комиссия таркибига вазирликлар ва идоралар, олий таълим муассасалари ва бошқа ташкилотларнинг вакиллари улар билан келишилган ҳолда киритилиши мумкин.

Якуний назоратлар натижалари комиссиялар аъзолари томонидан имзоланадиган қайднома варақаларига киритилади.

34. Ўқув жараёнига жалб этилган ва ўқув дастурини муваффақиятли ўзлаштирган суд экспертларига тегишли комиссиялар томонидан ушбу Низомга 2, 3-иловаларга мувофиқ шакллар бўйича сертификатлар берилади.

35. Якуний назоратлардан ўта олмаган ёки узрли сабабларга кўра уларда иштирок эта олмаган суд экспертига, унинг аризасига биноан, уч кун муддатда тегишли якуний назоратни қайта топшириш имкони берилади.

36. Ушбу Низомда белгиланган муддатларда малакасини ва/ёки хуқуқий билимларини оширмаган ёки якуний назоратлардан такроран ўта олмаган ходимлар малака ва/ёки хуқуқий билимларни оширишдан ўтмаган деб ҳисобланади.

Хуқуқий билимларни оширишдан ўтмаган ходимлар ҳақидаги маълумотнома Суд экспертизаси маркази томонидан зарур чоралар кўриш учун вазирликлар ва идораларга юборилади.

37. Малакани ва/ёки хуқуқий билимларни оширишдан ўтмаган ходимларнинг суд-экспертлик фаолияти билан шуғулланиши ҳамда уларни суд-экспертлик фаолиятига жалб қилиш тақиқланади.

Суд экспертларининг малакасини ва
ҳуқуқий билимларини ошириш тартиби
тўғрисидаги низомга
1-ИЛОВА

**Давлат суд экспертларининг ҳуқуқий билимларини
ошириш курсларида ўқишни ташкил қилиш бўйича
буюртма шакли**

Х. Сулаймонова номидаги
Республика суд экспертизаси
маркази директори _____га

**Давлат суд экспертларининг ҳуқуқий билимларини
ошириш курсларида ўқишни ташкил этиш бўйича
БУЮРТМА**

Давлат суд экспертларининг ҳуқуқий билимларини ошириш курсларида қуйидаги ходим(лар)ни ўқитиш бўйича амалий ёрдам кўрсатишингизни сўрайман:

Т/р	Ходим(лар)нинг Ф.И.О.	Ходим(лар)нинг лавозими ва махсус унвони	Мутахассислик ёки йўналиш номи
1.			
2.			
3.			
4.			
5.			

_____ (раҳбар лавозими)

_____ (имзо)

_____ (Ф.И.О.)

16 (776)-сон

— 59 —

274-модда

Суд экспертларининг малакасини ва
ҳуқуқий билимларини ошириш тартиби
тўғрисидаги низомга
2-ИЛОВА



(суд экспертизаси муассасасига эга бўлган ташкилотнинг номи)

**Давлат суд экспертнинг малакасини оширганлиги тўғрисида
СЕРТИФИКАТ**

№ _____

20__ йил «__» _____
(берилган жойи)

(Давлат суд экспертнинг фамилияси, исми, отасининг исми)

20__ йил «__» _____ дан 20__ йил «__» _____ гача
_____ соатли _____ ни
(малака ошириш курсининг номи)

муваффақиятли тамомлади.

Комиссия раиси _____
(имзо) _____ (Ф.И.О.)
(М.Ў.)

Амал қилиш муддати: 2 йил

274-модда

— 60 —

16 (776)-сон

Суд экспертларининг малакасини ва ҳуқуқий
билимларини ошириш тартиби тўғрисидаги
низомага
3-ИЛОВА



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

**Х. СУЛАЙМОНОВА НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА
СУД ЭКСПЕРТИЗАСИ МАРКАЗИ**

**Давлат суд экспертнинг ҳуқуқий билимларини
оширганлиги тўғрисида
СЕРТИФИКАТ**

№ _____

20__ йил «__» _____
(берилган жойи)

_____ (Давлат суд экспертнинг фамилияси, исми, отасининг исми)

20__ йил «__» _____ дан 20__ йил «__» _____ гача
_____ соатли _____ ни
(ҳуқуқий билимларни ошириш курсининг номи)

муваффақиятли тамомлади.

Комиссия раиси _____
(имзо) (Ф.И.О.)
(М.Ў.)

Амал қилиш муддати: 2 йил

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й.

Вазирлар Маҳкамасининг
2017 йил 13 апрелдаги 206-сон қарорига
2-ИЛОВА

Суд экспертларининг малакасини оширишга қўйиладиган ДАВЛАТ ТАЛАБЛАРИ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Суд экспертларининг малакасини оширишга қўйиладиган давлат талаблари (кейинги ўринларда Давлат талаблари деб аталади) Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида»ги, «Суд экспертизаси тўғрисида»ги қонунларига асосан давлат суд экспертларининг (кейинги ўринларда суд экспертлари деб аталади) малакасини ошириш тизимига қўйилган мажбурий талабларни белгилайди.

2. Давлат талаблари суд экспертларининг малакасини ошириш бўйича ўқув дастурлари, таълим сифатини баҳолаш ва назорат қилиш бўйича ҳужжатларни ишлаб чиқиш учун асос ҳисобланади.

2-боб. Давлат талабларининг қўлланиш мақсади ва соҳаси

3. Давлат талаблари суд экспертларининг малакасини ошириш бўйича муассасанинг фаолиятини ташкилий ва ўқув-услубий таъминлаш мақсадида қўлланилади.

4. Давлат талаблари:

суд экспертларининг малакасини оширишнинг мазмуни ва сифатига қўйиладиган умумий ва асосий талабларни;

суд экспертларининг малакасини ошириш бўйича ўқув юкламаси ҳажмини ҳамда суд экспертларига бериладиган ҳужжатни;

суд экспертларининг малакасини оширишга қўйиладиган асосий талабларни;

суд экспертларининг малакасини ошириш сифатини баҳолаш ҳамда назорат қилиш тартибини белгилайди.

3-боб. Суд экспертларининг малакасини оширишнинг мазмуни ва сифатига қўйиладиган умумий ва асосий талаблар

5. Суд экспертларининг малакасини оширишга қўйиладиган умумий талаблар тегишли ўқув дастурлари билан аниқланади.

6. Суд экспертларининг малакасини оширишнинг мазмуни суд экспертлари томонидан асосий ва қўшимча (янги) билим ва кўникмалар олишга, шунингдек янги турдаги касбий фаолиятни амалга ошириш учун зарур макалаарни эгаллашга йўналтирилган.

7. Суд экспертларининг малакасини оширишнинг сифати ушбу тизим бўйича ўқув жараёнини яқунлаган суд экспертларининг зарур тайёргарлик даражаси, уларнинг билимлари ва амалий кўникмаларининг суд экспертларига қўйиладиган замонавий талаблар ва халқаро стандартларга мослиги билан аниқланади.

8. Ўқув дастурлари суд экспертизаси соҳасига оид фанларнинг илғор ютуқларига, суд-экспертлик амалиёти ва амалдаги қонунчиликка мувофиқ ишлаб чиқилади ҳамда ўқув жараёнининг узлуксизлиги ва узвийлиги талабларига мос бўлиши лозим.

9. Суд экспертларининг малакасини ошириш бўйича ўқув дастурлари мазмунига қўйиладиган талаблар назарий, амалий, экспертизага оид билимларнинг ўзаро мослиги, шунингдек мутахассислик бўйича зарур малака ҳамда кўникмаларни ўрганишни инобатга олган ҳолда замонавий талаблар ва халқаро стандартларга асосланади.

10. Суд экспертларининг малакасини ошириш бўйича ўқув дастурларини шакллантиришда қуйидагилар ҳисобга олинади:

Ўзбекистон Республикасида таълимнинг узлуксизлиги;
замонавий педагогик технологиялар ва методларни қўллаш бўйича илғор хорижий тажриба ҳамда уни ўқув жараёнига татбиқ этиш;
ихтисослик ва тегишли фанлар бўйича янги билимлар;
таълимнинг амалий йўналтирилганлиги, амалий касбий тайёргарлик;
қонунчиликдаги охириги ўзгартиришлар;
ҳуқуқбузарликларга мурасасизлик;
суд-экспертлик фаолиятини амалга ошириш;
илмий-тадқиқот ва педагогик фаолият билан шуғулланиш;
замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш ва уларни суд-экспертлик фаолиятига татбиқ этишнинг ташкилий-методик жиҳатлари.

11. Ўқув дастурларининг мазмуни суд экспертларининг малакасини ошириш шакллари, шунингдек ўқув жараёнининг амалий йўналтирилганлигига, суд экспертларида назарий билимлар, амалий кўникма ва малакаларни шакллантиришга мос бўлиши лозим.

4-боб. Суд экспертларининг малакасини ошириш бўйича ўқув юкмаси ҳажми ва суд экспертларига бериладиган ҳужжатлар

12. Суд экспертларининг малакасини ошириш икки ҳафтадан кам бўлмаган муддатда суд экспертизаси муассасаларига эга бўлган вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар томонидан ташкил этилади.

13. Суд экспертларининг малакасини ошириш бўйича ўқув жараёни ҳафтасига кўпи билан 36 академик соат ҳажмида амалга оширилади.

14. Ўқув жараёнига жалб этилган ва ўқув дастурини муваффақиятли ўзлаштирган суд экспертларига белгиланган намунадаги Давлат суд экспертларининг малакасини оширганлиги тўғрисида сертификат берилади.

5-боб. Суд экспертларининг малакасини оширишга қўйиладиган асосий талаблар

15. Қўйидагилар суд экспертларининг малакасини оширишга қўйиладиган асосий талаблар ҳисобланади:

Конституция ва қонунларда белгиланган асосий принциплар ва қоидаларни билиш, қонун ҳужжатлари нормаларини тўғри англаш ва қўллаш қобилияти;

суд-экспертлик фаолиятини амалга ошириш қобилияти;
илмий-тадқиқот фаолияти билан шуғулланиш қобилияти;
турли вазиятларга нисбатан руҳий барқарорлик.

16. Конституция ва қонунларда белгиланган асосий принциплар ва қоидаларни билиш, қонун ҳужжатлари нормаларини тўғри англаш ва қўллаш қобилияти қўйидагиларни назарда тутати:

Конституция ва қонунларда белгиланган асосий принциплар ҳамда қоидаларни, жумладан процессуал нормаларни билиш ва уларнинг моҳиятини тушуниш;

қонун ҳужжатларида белгиланган фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва мажбуриятларини билиш ва уларнинг қонун билан кафолатланишини англаш;

давлат ҳокимияти органлари тизимини ва уларнинг ташкил этилиши асосларини билиш;

соҳага оид қонун ҳужжатларини билиш, тушуниш ва уларни амалиётда қўллаш олиш.

17. Суд-экспертлик фаолиятини амалга ошириш қобилияти қўйидагиларни назарда тутати:

суд экспертизаси соҳасидаги билимларни қўллаш кўникмаларига эга бўлиш;

мустақил ижодий фикрлаш ҳамда соҳага оид ҳуқуқий нормаларни тўғри, бир хилда тушуниш ва қўллаш, уларнинг мазмунини аниқлай олиш;

суд экспертизаларининг метод ва методикаларини билиш, уларни тадқиқотлар ўтказишда мустақил ва тўғри қўллаш олиш;

дастлабки, қайта, қўшимча, комиссиявий ва комплекс экспертизалар бўйича тадқиқотларни ўтказиш олиш;

суд экспертизаси соҳасида замонавий ахборот технологияларини мустақил қўллаш, Интернет жаҳон ахборот тармоғидан фойдаланишнинг амалий кўникмаларига эга бўлиш;

суд экспертизаларини тайинлаш ва ўтказишда мавжуд хатолар ва коллизияларни аниқлай олиш ҳамда уларни бартараф этиш йўлларини билиш;

ўз фаолиятида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорлик қилишнинг асосларини билиш.

18. Илмий-тадқиқот фаолияти билан шуғулланиш қобилияти қўйидагиларни назарда тутати:

суд экспертиза соҳасида алоҳида мавзу ёки мавзунинг бир қисми бўйи-

ча илмий изланишлар ҳамда тажрибалар ўтказа олиш ва бундай фаолиятда иштирок этиш;

суд экспертларининг мавжуд методикаларини такомиллаштириш ёки янги методикалар яратиш бўйича илмий-тадқиқот ишлари олиб бориш;

янги турдаги суд экспертларини жорий қилиш бўйича тегишли илмий-тадқиқот фаолиятини олиб бориш.

19. Турли вазиятларга нисбатан руҳий барқарорлик қобилияти қуйидагиларни назарда тутати:

фаолиятида учраб турадиган зиддиятли вазиятларни олдиндан билиш ва уларни баҳолаш олиш;

суд-экспертлик фаолиятида юзага келадиган коллизияларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш йўлларини билиш;

турли вазиятларда аниқ ва қонунга мувофиқ ҳаракат қилиш.

6-боб. Суд экспертларининг малакасини ошириш сифатини баҳолаш ҳамда назорат қилиш тартиби

20. Суд экспертларининг малакасини ошириш сифатини баҳолаш таълим жараёнини ички ва ташқи шаклда назорат қилишдан иборат.

21. Ички назорат суд экспертизаси муассасаларига эга бўлган вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тизимидаги суд экспертлари бўйича Суд экспертларининг малакасини ошириш ўқув маркази) томонидан амалга оширилади. Ички назоратда ўқув жараёнига жалб қилинган суд экспертларининг билимлари якуний назорат натижалари асосида баҳоланади.

22. Ташқи назорат Суд экспертларининг малакасини ошириш ўқув маркази ва бошқа ваколатли органлар томонидан амалга оширилади.

Вазирлар Маҳкамасининг
2017 йил 13 апрелдаги 206-сон қарорига
3-ИЛОВА

**Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги ҳузуридаги Х. Сулаймонова номидаги
Республика суд экспертизаси маркази фаолиятини янада
такомиллаштириш тўғрисида»ги 2012 йил 14 ноябрдаги
321-сон қарорига киритилаётган ўзгартиришлар ва қўшимча**

1. 1-банднинг учинчи ва тўртинчи хатбошилари қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Х. Сулаймонова номидаги Республика суд экспертизаси марказининг (кейинги ўринларда Марказ деб аталади) ходимларининг чекланган умумий сони 158 нафар (хизмат кўрсатувчи ходимларни ҳисобга олмаган ҳолда), улардан бошқарув ходимлари 20 нафар бўлган тузилмаси 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси адлия вазирига Марказ тузилмасига ходимларнинг белгиланган умумий сони ва ажратилган маблағлар доирасида ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи берилсин».

2. 2-бандда:


а) қуйидаги мазмундаги олтинчи хатбоши қўшилсин:

«давлат суд экспертларининг малакасини ва ҳуқуқий билимларини ошириш бўйича фаолиятни ташкил қилиш»;

б) олтинчи — саккизинчи хатбошилар тегишли равишда еттинчи — тўққизинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

3. Қарорга 2-илова қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Х. Сулаймонова номидаги Республика суд экспертизаси марказининг ТУЗИЛМАСИ



Ходимларнинг ҳисланган умумий сони (хизмат кўрсатувчи ходимлардан ташқари) — 158 киши, улардан бошқарув ходимлари — 20 киши.

Изоҳлар: хизмат кўрсатувчи ходимлар сони нормативлар бўйича белгиланади; илмий-техник лойиҳаларни амалга ошириш учун мутахассис ва олимлар шартнома асосида қўшимча равишда жалб қилиниши мумкин».